

Абдулла Шер



*Қуртакларга
беркинган
бахор*

*Янги шеърлар,
туркумлар, таржималар*

ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2016

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

Ш 47

Шер, Абдулла

Куртақларга беркинган баҳор [Матн]: шеърлар/ А.Шер. –
Тошкент: «O‘zbekiston», 2016. – 120 б.

ISBN 978-9943-28-723-5

Инсон ўз калбининг пучмоқларига кира олсагина, ўзидан бир бош баланд маънавий ҳаётга ноил бўлади. Соҳир шоир, мохир таржимон ва таникли файласуф Абдулла Шернинг қўлингиздаги ушбу тўплами сизни ана шундай юксакликка кўтара оладиган гўзал бадий асарлардан ташкил топган. Ундаги ҳар қандай юракни ҳам ларзага соладиган оташин туйғу ва донишмандона хикматлар ила йўғрилган шеърлар ҳамда ўтган асрнинг буюк шоираси Анна Ахматовадан санъатқорона килинган таржималар илк марта китоб ҳолида чоп этилмоқда. Ўйлаймизки, «Куртақларга беркинган баҳор» сизнинг энг яқин маънавий ҳамроҳингизга айланади.

Адабий-бадий нашр

АБДУЛЛА ШЕР

КУРТАҚЛАРГА БЕРКИНГАН БАҲОР

Янги шеърлар, шеърӣ туркумлар, таржималар

Мухаррир *Рауф СУБҲОН*; рассом *Э. Абдикайирова*; рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*; техник муҳаррир *Б. Каримов*; мусаххих *З. Қудратов*; кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*; компьютерда тайёрловчи *Ф. Ботирова*

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.2009. Босишга 2016 йил 5 октябрда рухсат этилди. Бичими 70x100^{1/32}. Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 4,88. Нашр табоғи 4,37. Адади 2000 нусха. Буюртма № 16-635.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30
Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20. Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz www.iptd-uzbekistan.uz

ISBN 978-9943-28-723-5

© Абдулла Шер, 2016

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

*Куртакларга
беркинган
бахор*



* * *

*Тўрт-беш сўзга бериб атай зеб,
Гап тополмай сизга айтарлик:
«Шеър ёзаман ўзим учун!», – деб,
Мен қилмайман сохта камтарлик.*

*Рад этаркан тилсиз огизни,
Мен шивирни урмайман ерга.
Қийқириқдан йиртиб бўғизни,
Юкламайман ёлгонни Шеърга.*

*Шоирликни ўртага қўйиб,
Сўзбозорда бўлмайман даллол.
Мен ёзаман сиз учун, суйиб,
Эй шўх йигит, гўзал қиз, аёл!*

*Мен кузакнинг ҳой-ҳуйларига
Парво қилмай елиб ўтаман:
Дарахтларнинг қайғуларига
Шерик бўлган яшил бутаман.*

*Дафтаримда гуллар унади
Баҳорлардан сўйласа байтим.
Кенг елкамга бургут қўнади
Ватанимни куйлаган пайтим:*

*Тарихимдан йиртиб олинган
Варақларни тикларканман боз,*

*Юз йилдан сўнг ёдга солинган
Фурур бўлиб жсаранглар қозоз.*

*Сўз мулкени танладим, нетай,
Бу дунёнинг озу кўпидан....
Келинг, сизни мен олиб кетай
Қайиқ ясаб гулнинг чўпидан.*

*Сиз ҳам дадил Шеърга қўл беринг:
Деразангиз чорласин ойни,
Хаёлингиз билан тўлдилинг
Варағимда қолган оқ жойни.*

*Таъзим қилиб самимиятга,
Хушомадни минг бор қоралаб,
Биз лаҳзадан абадиятга
Тикилайлик замон оралаб.*

*Шундан кейин сиз бўлиб рози,
Дуо қилинг шоирингизни;
Юртни тутган Эркнинг овози
Жаранглатсин тақдиримизни.*

*Тўйтепа,
2009*

* * *

Новдаларда туманнинг нами,
Дарахтлар ҳам ҳали либоссиз,
Аммо янги фасл қадами
Яқинлашар ерга овозсиз;
Сени чорлар сулув ниқобдор –
Куртакларга беркинган баҳор.

Айланади олам сирдошга
Қалбда жўшиб эзгу туйғулар.
Музни тешиб, сўзлар қуёшга
Ариқларни уйғотган сувлар;
Бойчечакка айтади алёр
Куртакларга беркинган баҳор.

Майинлашар дағал шамоллар
Илиқлашиб совуқ кулранглик.
Ясанади ҳатто хаёллар,
Йўқолади гунглик, гаранглик:
Куйлай бошлар руҳингга бедор
Куртакларга беркинган баҳор.

Шоирмассан – ёзгинг келар шеър,
Ҳофизмассан, кўшиқ айтасан.
Ғилдиракка ўхшаб қолар Ер –
Болаликка яна қайтасан:
Биласанки, бу дунёда бор
Куртакларга беркинган баҳор.

Тўймена,
2009

БИРИНЧИ ШЕЪР ХОТИРАСИ

Бу дунёнинг оқу қораси
Илк бор ҳар хил кўринган маҳал
Кўкдан тушиб сўзнинг сараси,
Ватанимга бахш этдим ғазал.

Ва келажак даричасини
Ланг очдим-у саволларимга,
Ўзбекистон харитасини
Қоқиб қўйдим хаёлларимга.

Тўймена,
2014

ШУКРОНА

Илк кундан шу юртни онам деб билдим
Кишанбанд қўл билан мен қутлаб уни.
Лекин бир қакнусдек қайта туғилдим
Эркини қўлига у олган куни.

Бок, эркин ястанмиш боғу чўлимиз,
Энди еллар озод, осмоним озод.
Ҳурлик байроғини тутган қўлимиз
Бизни буюкликка элтгувчи қанот.

Қайдадир туғилди бугун чакалок
Эркнинг гулчамбари ўраб бошини.
Куллик нелигини кўрган бу жон, бок,
Шарафлар кишансиз ёш юртдошини.

Мустабид тузумнинг, бас, номи ўчсин,
Юз бурдик «Ё, Эрк!» деб эски дунёдан.
Бугун «Ватан!» десам, юксалар кўксим
Ўпкамни тўлдирган эркин ҳаводан.

Қоғозга айланди сохта романлар,
Қочдилар ясама қахрамонларим.
Қайтадан тирилди яхши-ёмонлар, –
Ахурамаздаю ахриманларим.

Қайтадан янграган қадим оҳанглар
Эслатар юракнинг туғилган кунин.
Сўзим ерга тушса – тупроқ жаранглар,
Осмонга чиқса у – оловли жунун.

Асрдан-асрга силкитиб қанот,
Эркинлик Хумойи бошимга қўнди.
«Мен!» деган сўзимга бахш этиб ҳаёт,
Қадимий ғурурим буғдойдек унди.

Куфр кўзойнаги йитиб кўзимдан,
Бирубор томонга яна тикилдим.
Яна ҳикмат янграб эркин сўзимдан,
Ўзимни оламга халифа билдим!

Тўймена,
2012

ОСИЁ

Мен – Осиё. Шаркман. Илк Одам
Менда севди жуфти Ҳаввони.
Эътиқодни ўрганди олам
Менда таниб илк бор Худони.

Мен осмонни ичимга ютдим,
Куёш кезар томирларимда.
Илк алифбо, илк ҳарфни битдим
Бобилону Сомирларимда.

Бу дунёнинг тамаддунига
Олтин гиштни қўйдим мен комрон –
Асрларнинг бахтли кунига
Етсин дея умидвор инсон.

Яшамокнинг сирларини гоҳ,
Баён этиб тарихларимда,
Қитъаларнинг кирларини гоҳ
Тозаладим ариқларимда.

Сув ичганлар мендан ютоқиб,
Лойқалатди булоқларимни!
Ўшанда ҳам дарёдек оқиб,
Гулга кўмдим кирғоқларимни!

Мен то хануз кучга тўлуғман,
Гангитолмас майда иғволар.

Мен соддаман. Лекин улуғман:
Бағримдадир сирли дунёлар!

Мен – Осиё. Шарқман. Илк Одам
Менда севди жуфти Ҳаввони.
Эътиқодни ўрганди олам
Менда таниб илк бор Худони.

Тўймена,
2012

* * *

Шому саҳарларда юртимни кездим
Эркин шамолларга ошно тутиниб.
Ўзимни бахтиёр бойчечак сездим
Баҳорнинг ишқида қорлардан униб.

Шому саҳарларда кўшиқ тўқидим,
Оҳангга айлансин дедим бу жаҳон.
Шомда илк юлдузни сўздек ўқидим,
Саҳарда шеъримдан уйғонди осмон.

Шому саҳарларда томчи шабнамга
Оламнинг кўзгуси дея қарадим.
Шомда ишондим-у Ёруғ Одамга,
Саҳарда заминга нурдек ярадим.

Тўймена,
2009



Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4451> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4451> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4451>